

## COVID-19 ДАН КЕЙИНГИ ДАВРДА НЕФРОПАТИЯЛАРНИНГ ДИАГНОСТИК АСПЕКТЛАРИ

Курбанов Бекзод Исмоилович  
РШТЁИМ Бухоро филиали  
нейрореанимация бўлими  
нейрореаниматологи

**Аннотация:** Ушбу тадқиқот совид-19 дан кейинги даврда беморларда нефропатияларнинг диагностик жиҳатларини таҳлил қилишга қаратилган. Ишда нефропатияларнинг ҳар хил турлари, уларнинг коронавирус инфекцияси билан боғлиқлиги, асосий диагностика усуллари ва бундай шароитларни даволаш тамойиллари ёритилган.

**Калит сўзлар:** нефропатиялар, пост-СОВИД-19, диагностика, даволаш, буйрак шикастланиши.

**Долзарблиги.** ЖССТ маълумотларига кўра, COVID-19 билан касалланган шахслар орасида асосий хавф гуруҳини коморбид ҳолатлари мавжуд бўлган беморлар ташкил этади. Бошқа бир томондан коронавируснинг бошқа сурункали касалликлар билан бирга кечиши беморлар ташхисоти ва даволашни танлашда ўзига хос муаммоларни пайдо қилапти. Ўтказилган қатор кузатувлар орасида юрак қон томир касалликлари, шу жумладан артериал гипертензия, қандли диабет, ўпканинг сурункали обструктив касаллиги кўп учраши қайд этилган. Жаҳон миқёсида олиб борилган илмий тадқиқотлар артериал гипертензия COVID-19 да энг кўп учрайдиган ёндош касаллик эканлигини кўрсатди ва 10% дан 34% гача ҳолатларда қайд этилганлигини тасдиқлади. Уларни биргаликда келиши нафақат, COVID-19 нинг балки артериал гипертензиянинг ҳам оғир асоратларига, жумладан буйрақларнинг зарарланишига олиб келади.

**Тадқиқот мақсади.** COVID-19 коморбид ҳолда кечиб, тузалган беморларда буйрақлар филтрацион фаолиятини креатинин ва цистатин-С кўрсаткичлари ёрдамида солиштирма таҳлил қилиш.

**Материал ва усуллар.** COVID-19 нинг энгил ва ўрта оғир даражаси билан касалланган 60 нафардан (жами 120 нафар) 35-65 ёшдаги буйрак фаолиятига салбий таъсир (қандли диабет, сурункали юрак етишмовчилиги, ўпканинг сурункали обструктив касалликлари, буйрак ва сийдик йўллари тош касаллиги) қилувчи касалликлари бўлмаган беморлар, 2 та гуруҳга ажратилиб ўрганилди. Назорат гуруҳи сифатида ГК мавжуд бўлмаган COVID-19 нинг энгил ва ўрта оғир даражаси билан касалланган 20 та бемор олинган.

**Тадқиқот натижалари.** Қон зардобдаги креатинин миқдори гипертония касаллигининг биринчи босқичи мавжуд COVID-19 нинг ўрта оғир даражасини ўтказган беморларда  $74,5 \pm 5,4$  мкмол/л ва COVID-19 нинг энгил даражасини ўтказган беморларда  $82,8 \pm 6,2$  мкмол/л га тенг бўлди ( $p > 0.05$ ).

ГК II босқич COVID-19 нинг ўрта оғир даражасини ўтказган беморларда  $100,2 \pm 5,7$  мкмол/л ва COVID-19 нинг энгил даражасини ўтказган беморларда  $84,8 \pm 4,2$  мкмол/л ни ташкил этиб, биринчисида 1,2 маротаба юқори бўлди ҳамда ишончли фарқ қайд этилди ( $p < 0.05$ ).

ГК III босқич беморларда иккала гуруҳда кўрсаткичлар мос равишда  $113,6 \pm 7,7$  мкмол/л ва  $107,3 \pm 5,2$  мкмол/л га тенг бўлди ва ишончли фарқ аниқланди ( $p < 0.05$ ).

КФТ ни креатинин ва цистатин С ёрдамида текширганда ҳар иккала гуруҳ беморларида ҳам буйрак фильтрациясининг назорат гуруҳига нисбатан пасайганлиги аниқланди. Бунда цистатин С ёрдамида аниқланган кўрсаткичлар бир мунча ишончилиги юқори эканлигини инобатга олиб, гуруҳлараро солиштирма таҳлилида ушбу кўрсаткич  $96,5$  мл/мин/ $1,73\text{м}^2$  ва  $93,5$  мл/мин/ $1,73\text{м}^2$  ни ташкил этди. Бу шуни англатадики, постковид даврда буйрак фаолияти бузилиши инфекция кечиши оғирлик даражаси билан боғлиқ эмас, яъни гипертония негизда инфекция энгил кечган беморларда КФТ назорат гуруҳига нисбатан 1.27 марта пасайганлиги кузатилди ( $p < 0,01$ ).

**Хулоса.** Гипертония касаллиги ва COVID-19 коморбид ҳолда кечганда постковид синдромнинг кечки даврида (1 йилдан кейин) нефропатия ривожланиш эҳтимоллиги COVID-19 нинг коморбидсиз кечишида ривожланадиган нефропатияга нисбатан 1,13 марта юқори эканлиги аниқланди.

#### **Илмий адабиётлар:**

1. Косимбаев, С., Аляви, А., Турсунова, Л., & Жуманазаров, С. (2021). Агрегатное состояние крови и коагуляционный гемостаз у больных с ишемической болезнью сердца перенесших COVID-19.
2. Аляви, А. Л., Турсунова, Л. Д., Бувамухамедова, Н. Т., & Жуманазаров, С. Б. (2021). Течение сердечно-сосудистых заболеваний у больных COVID-19. Студенческий вестник, (17-4), 38-4
3. Akhmedov K. et al. Changes in the immune system with rheumatoid arthritis in the background of the influence of environmental factors of the external environment // International Journal of Advanced Science and Technology. – 2020. – Т. 29. – №. 5. – С. 1907-1917.
4. Abdurakhmanova N.M. Algorithm of diagnostics, differential diagnosis and tactics of administration of patients with inflammatory pain in the lower part of the back under primary line of health care. J. Nevrologiya Vol 4, 2021.p. 5-10.